

 Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 9 Jild 4

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 9 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллӣ Университети.

Сайдов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ҳодим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳоновиҷ – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёрова – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасолович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баҳодирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўёраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуроевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психология хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

<i>Xaynazarov Baxromjon Baxtiyorovich</i>	
RIVOJLANGAN O'RTA ASRLARDA PIRENEY YARIM OROLIDAGI KORTESLARNING JAMIYAT HAYOTIDAGI O'RNI .....	10-14
<i>Azizbek Xolliyev</i>	
XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA ROSSIYA TOG'-KON SANOATIDA BRITANIYA SARMOYASINING TUTGAN O'RNI .....	15-20
<i>Mahkamov Abdiqayum Mahkamovich</i>	
SUDYALAR OLIY KENGASHINING SUDYALAR KORPUSINI SHAKLLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI (TARIXIY TAHLIL) .....	21-25
<i>Eshimov Shaxridin Xujayorovich</i>	
SUD – HUQUQ TIZIMIDAGI TARG'IBOTCHILIK FAOLIYATI VA MA'NAVIY – MA'RIFIY ISHLAR (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA) .....	26-31
<i>Намазова Умидা Нормурадовна</i>	
ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУФДДА НИКОҲ: ШАКЛЛАНИШИ, ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ .....	32-41
<i>Самадов Искандар Исматович</i>	
ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (XXCP)ДА ЕР-СУВ МАСАЛАСИ .....	42-48
<i>Rustamova Madina Musoqulovna</i>	
SAMARQAND VILOYATI XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN, TA'LIM VA INNOVATSIYALARGA QO'SHGAN HISSASI .....	49-56
<i>Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna</i>	
SOVET DAVRIDA KITOБ TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA AMALIYOTLARI... ..	57-64
<i>Tursunov Javlonek Akrom o'g'li</i>	
MUQADDAS QADAMJOLAR. SAMARQAND SHAHRINING TARIXIY TOPONOMIYASINING MUHIM TARKIBIY QISMI .....	65-68

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

<i>Tolipova Baxtigul</i>	
MAMLAKAT OZIQ-OVQAT SANOATIGA YO'NALTIRILGAN INVESTISIYALARING EKONOMETRIK TAHLILI .....	69-77
<i>Mamanazarov Abdusamat Abdusaitovich</i>	
O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASIDA PUL-KREDIT SIYOSATI KO'RSATKICHLARI TAHLILI ....	78-83
<i>Амбарцумян Анастас Алексеевич, Хасанова Руфина Раисовна</i>	
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ .....	84-96
<i>Meliyeva Nargiza Eshboyevna</i>	
INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA RIVOJLANGAN DAVLATLARING TAJRIBASI ....	97-104

<i>Исраилов Рустам Ибрагимович</i>	
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	
МАСАЛАЛАРИ .....	105-109
<i>Jumaniyazov Inomjon To'raevich</i>	
APPLICATION OF ESG PRINCIPLES IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN	
INVESTMENT FUNDS .....	110-120
<i>Amonov Navro'zxon Saloxiddin o'g'li</i>	
MINTAQAVIY MEHNAT BOZORIDAGI ISHCHI KUCHIGA TALAB VA TAKLIFNI	
ISTIQBOLLASHTIRISH YO'LLARI .....	121-129
<i>Mirxamidova Zahinabonu Mirxamid qizi</i>	
ROBOTLASHTIRISH DAVRIDA MEHNAT BOZORINING O'ZGARISHI: TO'RTINCHI SANOAT	
INQILOBI MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI.....	130-138
<i>Kalbayev Muratbay Aytbaevich</i>	
AYLANMA MABLAG'LARNI TAHLIL QILISH METODOLOGIYASI .....	139-144
<b>09.00.00 – FALSAFA FANLARI</b>	
<i>Ernazarova Yorqinoy Ollaberganova</i>	
RIVOJLANGAN DAVLATLARDA KADRLAR XIZMATINI TASHKIL ETISH: ODOB-AXLOQ	
QOIDALARI VA KASBIY MADANIYAT TALABLARIGA RIOYA ETILISHINI TA'MINLASH	
MEXANIZMLARI .....	145-155
<i>Ahrorova Shahlo O'rinoiboyevna</i>	
GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY QADRIYATLARNING	
TAKOMILLASHUVI JARAYONI .....	156-161
<i>Рахманов Баҳодир</i>	
АЛИШЕР НАВОЙЙ КОМИЛ ИНСОН КОНСЕПСИЯСИДА СИНЕРГЕТИК	
ФОЯЛАР ИНЬИКОСИ .....	162-170
<i>Нуралиева Насиба Ахмадкуловна</i>	
ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ	
ТАҲЛИЛИ .....	171-176
<b>10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI</b>	
<i>Fayzulloyev Otabek Muhamadovich</i>	
KATTALAR FOLKLORINING TARKIBIY QISMI – BOLALAR FOLKLORI HAQIDA.....	177-184
<i>Токимбетова Гулбахор Абатбаевна</i>	
ЎЗБЕК-ҚОРАҚАЛПОҚ АДАВИЁТШУНОСЛИГИДА ИРФОНИЙ ОБРАЗЛАР .....	185-190
<i>Yusupova Sadokat Aljon qizi</i>	
"BOBURNOMA"NING YAPONIYADA O'RGANILISHI .....	191-197
<i>Xudoyberdiyeva Gulmira Allaberdi qizi</i>	
JAHON TILSHUNOSLIGIDA POLISEMIYA HODISASIGA LINGVISTIK YONDASHUV (RUS VA	
INGLIZ TILSHUNOSLIGI MISOLIDA) .....	198-201
<i>Tangriyev Valisher Azamovich</i>	
SOMATIK IFODALAR ORQALI BERILGAN PARALINGVISTIK VOSITALARNING	
QIYOSIY TADQIQI: "ANOR" HIKOYASI MISOLIDA .....	202-206

*Abulova Zilola Azimovna*

- INGLIZ AFORIZMLARINING TARKIBIDA BIR JUMLA HAMDA QO'SHMA GAPLAR BILAN  
IFODALANGAN AFORIZMLAR XUSUSIYATLARI ..... 207-201

*Qurbanova Dilnoza Olimovna*

- TYPES AND FUNCTIONS OF ADVERTISEMENT IN ENGLISH AND UZBEK ..... 210-216

*Quljanova To'lg'anoy Shodiyor qizi*

- ASQAR MAHKAM IJODIDA BUVI OBRAZINING O'ZIGA XOSLIGI ..... 217-221

*Babajanova Aziza Rustamovna*

- ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATIDA BAHOR MAVZUSINING BADIY TALQINI ..... 222-227

*Khursanova Laylo Bakhtiyarovna*

- REPRESENTATION OF THE CONCEPT OF "PATIENCE" IN SPECIAL ENGLISH  
DICTIONARIES ..... 228-232

*Diyorova Mohlaroyim Xamza qizi*

- O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA SIFAT SO'Z TURKUMI TADQIQI ..... 233-238

*Samadova Visola Baxtiyor qizi*

- INGLIZ, O'ZBEK VA RUS TILLARIDA ANTONIM KOMPONENTLI FE'L FRAZEOLOGIK  
BIRLIKLARLARNING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI ..... 239-242

## **12.00.00 – YURIDIK FANLAR**

*Tўlaganova Gulchexra Zakhitovna, Goфurova Dilafruz Murod қизи*

- АЭЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ  
РЕЖАЛАШТИРИШ, ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ ВА ВЕРСИЯЛАРНИ  
ИЛГАРИ СУРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 243-252

*Tosheva Maftuna Anvar qizi*

- INSON A'ZOLARI VA TO'QIMALALARINING TRANSPLANTATSIYASI BILAN  
BOG'LIQ JINOYATLAR ..... 253-262

*Ikramov Sherzod Raximjanovich*

- VOYAGA YETMAGAN SHAXSLARNI MODDIY TA'MINLASHDAN BO'YIN TOVLASHNING O'ZIGA  
XOS XUSUSIYATLARI ..... 263-266

## **13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI**

*Tohirova Mohigul Umir qizi*

- KO'RISHDA NUQSONI BOR SHAXSLARNING IJTIMOIY UMIDSIZLIK DARAJASINI PSIXOLOGIK  
O'RGANISH. (L.I.VASSERMANNING "IJTIMOIY FRUSTRATSIIA (UMIDSIZLIK) DARAJASINI  
DIAGNOSTIKA QILISH METODOLOGIYASI" ASOSIDA) ..... 267-274

*Nasriddinov Dadaxon Komiljonovich*

- OLIY HARBIY TA'LIMDA FIZIKA O'QITISH SAMARADORLIGINI MOBIL ILOVALAR VA  
ROBOTOTEXNIKA ELEMENTLARI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN OLIB  
BORILGAN PEDAGOGIK TAJRIBASINOV ISHLARI VA ULARNING NATIJALARI ..... 275-281

*Xojaniyazova Inkar Jumanazarovna*

- BOSHLANG'ICH TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA DIDAKTIK MATERIALLARDAN FOYDALANISH  
IMKONIYATLARINI KENGAYTIRISH MASALALARI ..... 282-292

*Ashurova Marhabo Sayfulloyevna*

- BUXORO JADIDLARI VA YANGI USUL MAKTABLARIDA O'QITISH IMKONIYATLARI .... 293-301

<i>Алимова Нигора Исраиловна</i>	
ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА В ОБРАЗОВАНИИ И ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ, НАХОДЯЩИХСЯ НА ДЛИТЕЛЬНОМ ЛЕЧЕНИИ .....	302-308
<i>Mamajonova Gulnoza Karimovna</i>	
IJTIMOIY FANLARNI TEXNIKA YO'NALISHI TALABALARIGA O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI .....	309-313
<i>Axmadjanova Madina Maxmudjon qizi</i>	
GRAMMATIK MINIMUM VA UNI O'QITISH METODLARI .....	314-319
<i>Norboyev Zafar Abdumuminovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA CEFR ME'ZONLARI ASOSIDA YANGI AVLOD DARSLIKLARINI YARATISH TEKNOLOGIYALARI .....	320-323
<i>Axmedova Zuxraxon Tulyanbayevna</i>	
QO'L TO'PI O'YININING JISMONIY JIHATDAN O'QUVCHILARNING O'QISHNI TUSHUNISHLARIGA TA'SIRI .....	324-329
<i>Юсупова Заррина Курбоновна</i>	
УНИКАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ И ВЫЗОВЫ В РАЗВИТИИ ЦИФРОВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ .....	330-334
<i>Ravshanova Xafiza Komilovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI TARBIYACHILARIDA TANQIDIY FIKRLASH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY ASOSLARI .....	335-340
<i>Nurbayeva Xolniso Uralovna</i>	
GENDER STREOTIPLAR GENDER MADANIYATNING TARKIBIY QISMI SIFATIDA .....	341-345
<i>Samatova Shohsanam Xolmuhammad qizi</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TIZIMLI FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISH MUHIM PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA .....	346-351
<i>Mustayeva Guliston Bo'ribo耶evna</i>	
TIBBIY TA'LIMDA AKS ETTIRISH AMALIYOTINING AHAMIYATI: UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA KO'MAKLASHISH .....	348-356
<i>Ahmedbekova Maxpuzaxon</i>	
TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA O'QUVCHILAR BILIMINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK VA INNOVATSION JIHATLARI .....	357-362
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i>	
ARTIFICIAL INTELLIGENCE IMPACT ON HIGHER EDUCATION QUALITY AND EFFICIENCY .....	363-388
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>	
BOSHLANGICH SINF O'QUVCHILARIDA MATEMATIKA FANI ORQALI TANQIDIY-TAHLILIY HAMDA MA'LUMOTLARNI TAHLIL QILISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI .....	389-393
<i>Maxliyo Qalandarova</i>	
UMUMTA'LIM MAKTABALARIDA MATEMATIKA DARSLARIDA O'QUVCILARNING MOLIYAVIY SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISH SHAKLLARI VA USULLARI.....	394-399

**Received:** 30 August 2024**Accepted:** 5 September 2024**Published:** 15 September 2024*Article / Original Paper***THE ISSUE OF LAND AND WATER IN THE KHOREZM PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC****Samadov Iskandar Ismatovich**

Doctoral student of Karshi State University

**Abstract.** This article discusses the reforms and their results in the issue of land and water relations after the formation of the Khorezm People's Soviet Republic. After the formation of the KPSR, the most important task for the government was to restore the national economy and raise it to a modern level. The main branch of the national economy of the country is the agricultural sector, and one of the main problems solved in it was the land and water issue.

**Key words:** KPSR, Soviet state, agrarian system, irrigation network, fund lands, land and water reform, agriculture, water management, land fund, land and water resources, water management.

**ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (ХХСР)ДА ЕР-СУВ МАСАЛАСИ****Самадов Искандар Исматович**

Қарши давлат университети таянч докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилгач ер-сув муносабатлари масаласида олиб борилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ҳақида ҳақида сўз боради. ХХСР ташкил этилгач хукумат олдида турган дастлабки вазифа халқ хўжалигини тиклаш ҳамда уни замонавий даражага кўтариш эди. Мамлакатда халқ хўжаликнинг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги соҳаси бўлиб, ундаги ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммолардан бири ер-сув масаласи бўлди.

**Калит сўзлар:** ХХСР, совет давлати, аграр сиёсат, ирригация тармоғи, вақф ерлари, ер-сув ислоҳоти, қишлоқ хўжалиги, сув иншоатлари, ер фонди, ер-сув ресурслари, сув хўжалиги.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I9Y2024N06>

**Кириш.** Қизил армия томонидан Хивада хонлик тузуми ағдариб ташлангандан сўнг 1920 йил 2 февралда Хива хонлиги тугатилди. Россиянинг расмий доиралари давлат тузумини ағдариб ташлашдаги ҳарбий босқинларини яшириш мақсадида бўлиб ўтган воқеаларни шоша-пиша “инқилобий ҳаракат”, “халқ инқилоби” деб атадилар, аммо бу воқеани моҳияти ҳаммага аён эди [1]. Большевиклар ҳокимияти ўлка халқларининг ўзига хос миллий ривожланиши мумкинлигини сўздагина эълон қилиб, барча усууллар билан бу жараёнларга тўсқинлик қилишди. Ёш хиваликлар партияси раҳбарлари ҳокимиятга қизил армия ва большевиклар ёрдамида келган бўлсалар ҳам Хоразмда яшаётган аҳолининг кенг қатламлари манфаатлари учун курашдилар. Аммо Марказ ўзининг миңтақага юборган ишончли вакиллари орқали республикадаги сиёсий ва иқтисодий масалаларни Россия манфаатлари томон бурушга ҳаракат қилди.

**Адабиётлар таҳлили.** XXCP да ер-сув (аграр) муносабатлар ҳақида тарихчи олимлар томонидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Алоҳида тадқиқот сифатида совет даврида яратилган А. Сатликовнинг номзодлик диссертациясини мисол қилиб олишимиз мумкин. Диссертация Хоразмда ирригация тармоғининг ривожланиши тарихи ҳақида ёзилган бўлиб, унда ер-сув масаласи ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Яна бир совет даврида яратилган илмий ишлардан бири И. Алимовнинг Хоразм ва Бухоро Ҳалқ Совет Республикаларидағи аграр ўзгаришларнинг тарихи номли докторлик диссертацияси бўлиб, унда ҳам ер-сув масалалари ёритилган.

Мустақиллик йилларида яратилган Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси тарихига оид адабиётларда ер-сув масаласининг ҳал этилиши тўғрисида кўплаб маълумотлар учрайди. Жумладан, Б. Мадаминова, М. Маткаримов, М. Матниёзов, О. Машарипов, Н. Полвонов, Ш. Сайдовлар томонидан яратилган адабиётлар диққат билан ўрганилиб, ер-сув масаласига оид қимматли маълумотлар мақолада келтириб ўтилди.

**Тадқиқот методологияси.** Жўнаидхон қўшинларини мағлубиятга учратган инқилобий қўшинлар 1920 йил 1 февралда Хива шаҳрига кирди. Хива хони Саид Абдуллахон хеч қандай қаршиликсиз қизил аскарлар ва Ёш хиваликлар талаби билан таҳтдан воз кечганлиги тўғрисида манифестни имзолади. 2 февралда манифест ҳалққа ўқиб ешиттирилди ва Ёш хиваликлар партияси аъзоларидан иборат Муваққат инқилобий қўмита (ревком) тузилди. Бу қўмита икки ой давомида яъни мажлис чақирилгунга қадар, ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро қилувчи ҳокимият вазифасини бажарди.

Муваққат инқилобий ҳукумат даврида “Хоннинг мулки тўғрисида дикрет”, “Вақф ерларини бошқариш тўғрисида дикрет”, “Судхўрлик ишларини амалга ошириш тўғрисида декрет”, “Суд солиқлари ва судяларни ойлик билан таъминлаш тўғрисида декрет” каби қонунлар қабул қилиниб, Хива хони ва амалдорларининг мулклари мусодара қилинди ва давлат ихтиёрига ўтказилди [1].

Муваққат инқилобий ҳукумат “Вақф ерларини бошқариш тўғрисидаги декрет”ни мусулмон руҳонийларининг маҳаллий аҳолига чуқур таъсирини ҳисобга олган ҳолда қабул қилди. Яъни бирданига вақф ерлари тортиб олинмади, лекин вақф мулкидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш давлат ихтиёрига ўтди.

1920 йил 26-30 апрель кунлари Хоразм меҳнаткашларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтиб, унда Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси (XXCP) ташкил этилганлиги эълон қилинди ва Полвониёз Ҳожи Юсупов раислигида Ҳалқ Нозирлар Шўроси тузилди [2].

XXCP ташкил этилгач ҳукумат олдида турган дастлабки вазифа ҳалқ хўжалигини тиклаш ҳамда уни замонавий даражага кўтариш эди. Чунки 1917 йилда Хива хонлигига 107600 хўжалик бўлиб, унинг 91 фоиздан зиёдроғи дехқончилик билан шуғилланган бўлса, 1920 йилга келиб хўжаликлар сони 76270 тага камайиб, экин майдонлари ҳажми 66,7 фоизга қисқарган эди [3]. Мамлакатда ҳалқ хўжаликнинг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги соҳаси бўлиб, ундаги асосий муаммолардан бири ер-сув масаласи эди.

Хива хонлиги XIX аср охири - XX аср бошларида феодал монархия тузумига асосланган мамлакат бўлиб, унда ерга ва сувга эгалик килишда, ахолидан сон-саноксиз солик ва йигимлар йигиб олишда, фукаролар давлат олдида турли-туман мажбуриятларни бажаришларида хонликда асрлар давомида киритилган тартиб-

коидаларга амал килиб келинмоқда эди [4]. Бу даврда Хива хонлигига ер егалигининг асосан учта тури мавжуд бўлиб, булар давлат ер эгалиги, хусусий ер-мулк эгалиги ва вақф ер эгалигидан иборат эди. XX аср бошида давлат ер егалиги – хонга, хон хонодонига ва унинг қариндош уруғларига қарашли бўлиб 86 минг таноб (2,5 таноб – 1 га)ни, мулк ер эгалиги – хон амалдорлари, ўрта ва камбағал дехқонларнинг ерлари ҳисобланниб 661 минг танобдан кўпроқни, вақф ер егалиги – мадраса, масҷит, қабристон, авлиёлар ва диний муассасаларга тегишли бўлиб 281 минг танобни ташкил этган [5]. Одатда, катта ер эгаларининг ери магистрал каналнинг боши ёки ўрта қисмида сувга қулай жойда жойлашган бўлиб, қазув азобини тортган кам ерли камбағалларнинг ери каналнинг охирги қисмида эди. Дехқонлар меҳнати билан келтирилган сувни бойлар биринчи навбатда ўзларига олиб, қазувнинг оғирлигини тортган дехқон охирида улардан ортган сувни олишга мажбур эди.

Ёш хиваликлар аввалбошданоқ хон истибоди ағдарилгандан сўнг ер ва сув бериш хақида радикал социал-иктисодий режаларни амалга оширишга ваъда берган эдилар [6]. Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойида Зироат нозирлиги (қишлоқ хўжалиги нозирлиги) ташкил қилинди ва унга республикада ер-сув ишлари билан шуғулланиш вазифаси юклатилди. XXCP Зироат нозирлиги дастлаб хон ва унинг амалдорлари, йирик ер эгаларига қарашли ер мулклар, тўқай ва кўллар, меҳнат қуроллари ва иш ҳайвонлари ҳамда уруғлик донни мусодара қилиб уларни қизил армия оиласларига, ерсиз ва кам ерли дехқонларга тақсимлаб берди [7].

1921 йил 4-11 декабрда Хива шаҳрида ерсиз ва кам ерли дехқонларнинг биринчи қурилтойи бўлди. Қурултойда камбағал дехқонларни ер-сув, иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, уруғлик дон, қарз пули билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилди [8]. Дехқонларнинг доимо кредит билан таъминлаб туриш учун қишлоқ хўжалик банки ташкил қилишга қарор қилинди. Қурултой қарорига биноан, 1922 йилнинг баҳорида 3 млрд. сўм асосий капиталга эга бўлган қишлоқ хўжалик банки ташкил қилинди. Банк шу йилнинг ўзида камбағал дехқон хўжаликларига 1,5 млрд. сўм миқдорида қарз пули берди [9].

Большевиклар билан миллий раҳбар кадрлар ўртасидаги можаролардан яна бири бу вақф ерлари тўғрисидаги масала эди. XXCP раҳбарлари, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун, қўлдан келганча миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қилишди. Жумладан, 1921 йил сентябр ойида бўлган XXCP МИҚ мажлисида М. Оллоберганов сохта айблар билан ўз лавозимидан олиб ташланди ва ўлимга ҳукм қилинди. Хоразм МИҚ раиси қилиб Отамахсумохун Мухаммадраҳимов тайинланади. У вақф ерларига юқоридан чизиб берилган андоза асосида ёндошмади. Отамахсумохун Мухаммадраҳимов 1921 йил 9 октябрда XXCP МИҚ сессияси қарори билан иккинчи қурултойнинг вақф тўғрисидаги нотўғри қарорини бекор қилдирди [10].

Аммо XXCP ҳукумати раҳбарлари олиб борган мустақил сиёsat марказдаги большевик раҳбарлар ва XXCP ҳудудидаги совет раҳбарияти вакилларига ёқмасди. Марказ вақф ерларини давлат назоратига олинишидан манфаатдор эди. Чунки “инқилоб”дан олдин, Хива хонлигидаги жами ерларнинг 80%и йирик ер эгаларига тегишли бўлса, мамлакат ишлаб чиқаришидаги ернинг 50%и вақф ерлари ҳисобланган [11].

Вақф тўғрисидаги масала 1920 йил 30 апрелда бўлган Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойида ва 1921 йил 23 майда бўлган Бутун Хоразм халқ вакилларининг II қурултойида кўриб чиқилган. Ҳар иккала қурултой қарорларига кўра вақф мулклари дахлсиз деб эълон қилинган ва вақф мулклари ХХСР Маориф нозирлиги ихтиёрига берилган.

Маълумки, Хоразм қишлоқ хўжалиги азал-азалдан ўзига хос хусусиятларга эга. Тупроқнинг шўрҳоқлигини назарда тутиб, ери уч марта суғориб шўр ювиш ўтказилмаса ҳосил олиб бўлмасди [12]. Шунинг учун ҳам Хоразмда воҳасида сувнинг қадри баланд бўлиб, сув иншоотларига катта эътибор берилган ва улар доим такомиллаштириб борилган. Узоқ ўтмишдан Хоразм давлати худудидаги сув иншоотлари дунёning енг мукаммал сув иншоотлари ҳисобланган.

Хоразм воҳасини суғориш ишлари Амударёдаги сув даражасига боғлиқ еди. Шунинг учун ҳам Хоразм аҳолиси қадимдан шу дарё режимига мослашган суғоришнинг ўзига хос усусларини ишлаб чиқсан. Хива хонлигига мавжуд бўлган сув йўллари ҳам, фойдали, унумдор ерлар каби феодаллар ва амалдорлар қўлида бўлган. Бу ҳолат еса камбағал дехқонларнинг ерларида доимий равишда сув танқислиги ва ҳосил этишмаслигига олиб келарди.

Умуман олганда, Хоразмда суғориш тизими икки қисмга бўлинib, каналлар орқали суғориладиган шимолий ва Амударё орқали сув ичувчи жанубий қисмларга бўлинган. Суғориш вақти апрелдан-октябр ойигача бўлиб, қолган вақтларда сув дарёга йиғилган. Баҳорги юмушларга магистрал каналларни тозалаш, дарё ўзанларини таъмирлаш, кузги юмушларга дамба ва тўғонларни тозалаш кирган.

1920-1924 йилларда, яъни Хоразм республикасининг шаклланиши ва ривожланиши даврида Хоразмда сувдан фойдаланишни тартибга солиш ва суғориш каналларини барпо этиш масаласи ХХСР аграр сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Чунки бу вақтда республикадаги суғориш иншоотлари ишдан чиқсан, таъмирлашга муҳтож эди. 1921 йил 4-11 декабр кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтган Хоразм Комраптиясининг I съездидаги ер-сув муносабатларини ҳал қилиш йўллари белгилаб берилади. Йиғилишда зудлик билан янги суғориш ариқларини қазиш орқали туркман дехқонларининг ерларини сув билан таъминлаш кераклиги айтилади [13]. Чунки хонлик даврида туркманлар ва қорақолпоқларнинг аҳволи, айниқса оғир эди. Катта ариқлар этакларида дехқончилик қилувчи туркманлар экинларига сув етарлича бормасди. Хон туркманлардан солик ундириш, уларни қаршилигини бостириш учун каналларга тўғонлар қурдириб уларга сув бермай қўйган эди. Шу сабабли туркманлар исёни қўпинча сув учун кураш тарзида кечган [14]. 1921-1922 йилларда Хоразмда, хусусан, Туркман вилоятларида ирригация тармоқларини капитал таъмирлаш, янги каналлар қуриш ишлари олиб борилди. 1921 йилги каналларни қазиш ва суғориш иншоотларини тамирлаш ишларига 10 минглаб дехқонлар қатнашди. Ҳашарда ўзбеклар билан бирга туркман дехқонларининг салмоқли қисми ҳам жалб этилди. 1922 йилда бундан ҳам кўпроқ суғориш ишлари олиб борилди. Жумладан, Ҳозараспдан Хўжайлигача бўлган 200 км узунликдаги барча тўғонлар тамирланди баъзилари қайта қурилди. Бу ишларга 45 минг меҳнаткаш сафарбар этилди [15]. 1923 йилда эса, қишлоқ аҳолиси кучи билан яна 24 йирик суғориш иншоотлари қайта тикланди.

1921 йилда Бутунхоразм советларининг II қурултойида ХХСР Қишлоқ хўжалиги нозирлиги қошида Хожибой Аминатдинов бошчилигида 9 кишидан иборат Марказий ирригация бошқармасини ташкил этилади. Марказий ирригация бошқармаси умумий узунлиги 7 минг км дан ортиқ бўлган 10 та йирик магистрал каналлар ва 138 та сув тарқатувчи иншоотларга масъул бўлди [16].

Шу билан бирга, қурултойда қишлоқ хўжалигини тиклашда суғоришни алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олиб, 5 кишидан иборат Сув хўжалиги кенгашини ташкил этиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинади. Сувдан тўғри фойдаланишни тартибга солиш мақсадида республиканинг сув хўжалиги икки округга – Хива ва Хўжайли округларига бўлинди. Ҳар бир округда округ мудири, 2 та котиб, 1 та муҳандис ва 1 та сиёсий вакил бўлган. Сув округлари қошида ҳудудий ариқ бошқармалари ташкил этилган. Ариқ бошқармалари маъмуриятининг таркиби суғориладиган ер майдонига боғлиқ бўлган. Агар битта ариқ 10 минг танобдан ортиқ ерни суғорса унинг маъмурияти 1 та мироб, 2 котиб, 1 та сиёсий вакилдан иборат бўлган. 3 минг танобдан 10 минг танобгача ерни сўфорадиган ариқ бошқармаси маъмурияти уч кишидан - 1 та мироб, 1 та котиб, 1 та сиёсий вакилдан иборат бўлган. Агар ариқ 3 минг танобдан камроқ ерни суғорса, у ҳолда сувдан фойдаланувчиларнинг ўzlари сайлаган, лекин сув окуриги томонидан тасдиқланган сув бошқарувчиси ишни юритган [17].

**Муҳокама.** Ёш хиваликлар ҳуқумати большевиклар кўрсатмаси асосида республикадаги барча ерларни аста-секинлик билан национализация қилиб, дехқонларга бўлиб берган. ХХСРда 1920–1921 йиллар давомида мусодара қилинган ерлар ҳисобига камбағал дехқонлар, қароллар (батраклар), беватанлар, корандалар ва вақфчиларга 10 минг десятина ер бўлиб берилди. Шунингдек, уларга қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари, уруғлик, чорва моллари, уй-жой ва бошқа нарсалар ҳам тарқатилди [18]. Умуман олганда 1921-1922 йилларда 400 минг танобдан ортиқроқ ер камбағал дехқонларга бўлиб берилди [19].

1922 йилда ерсиз, кам ерли дехқон хўжаликларини ер, иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари билан таъминлаш мақсадида давлат ер фонди ташкил қилинди [20]. Ер фонди томонидан 1922 йил октябрдан 1923 йил апрелгача хон, унинг қариндошлари ва амалдорларидан, йирик ер эгаларидан тортиб олинган 62400 таноб ерлардан 7250 таноби 1170 камбағал дехқон хўжаликларига бўлиб берилди [21].

ХХСР даврида хон, йирик ер эгалари ва вақфдан тортиб олинган ерларнинг аниқ ҳисоб китоб қилиш имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам архив хужжатларида бу хусусида ҳар хил маълумотлар учрайди. Бунинг асосий сабаби, республикада ҳали ўша вақтда статистика ишлари етарли йўлга қўйилмаган эди.

Сувдан фойдаланишни тартибга солиш масаласи ХХСРнинг бутун фаолияти давомида советларнинг диққат марказида бўлиб келди. Жумладан, Хоразм Республикаси МИҚ нинг 1924 йил 18 майдаги фармошида ҳатто шундай дейилган эди: “Бутун республика бўйлаб сув масаласи ҳарбий масала билан бир қаторда кўриб чиқилади... Барча нозирлик ва давлат идораларида дехқонларнинг сув масалалари бўйича барча мурожаатларини устувор вазифа сифатида кўриб чиқиш ва зудлик билан ҳал етиш зарурлиги таклиф этилсин [22].

**Натижা.** Бутунхоразм ҳалқ вакилларининг IV қурултойи (1923 йил 17-20 октябр) ерга нисбатан хусусий мулкчиликни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. 1923 йил

охирида яна 64 минг таноб ер ўз эгаларидан тортиб олинди ва камбағал дехқонларга бўлиб берилди [23]. Шунингдек, Қурултойда “Вақф ерлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва унга кўра барча вақф ерлари давлат мулкига айланди. Натижада, 1272 та диний муассаса, умумий 500 минг таноб, шу жумладан дехқончиликка яроқли 178 минг таноб еридан маҳрум бўлди [24].

Шундай қилиб, 1921-1922 йилларда Хоразм Республикасининг умумий екин майдони 461666 танобни ташкил қилган бўлса, 1923-1924 йилларга келиб, 509555 танобга етди. Бу даврда пахта майдони 3 минг десятинадан (1 десятина – 1,08 га) 18 минг десятинага кўпайди. Пахта ялпи ҳосили эса, 1922 йилда 250 минг пудни (1 пуд – 20 кг) ташкил қилган бўлса, 1924 йилда 800 минг пудга етди [25].

Россия ташабуси билан рус олимлари иштирокидаги экспедиция Хоразм Республикасининг иқтисодий аҳволи ва унинг ривожланиш имкониятларини ўрганиш учун юборилади. Улардан бири машхур олим, инженер-ирригатор Ф.П.Моргуненков бошчилигидаги экспедиция 1921-1924 йилларда Хоразмнинг суғориш тармоқларини ҳамда ер-сув ресурсларини ўрганиш ишларини олиб боради. Россиядан келган маҳсус илмий-иқтисодий экспедициянинг хулосаларидан кейин РСФСР томонидан ХХСРга фақат суғориш иншоотларини такомиллаштириш учун 1 млн. 476 минг 742 сўм кредит ажратилди. Натижада 1922-1923 йилларда Хоразмда 13 дамба, 8 та сув бандлари, 2 та янги ариқ қазилиб ишга туширилди [26]. Албатта узоқни кўзлаб қилинган бу ишлардан Россия келажакдаги ўз мафаатларини ўйлаган эди.

**Хулоса.** Хоразм Халқ Совет Республикасининг шаклланиши ва ривожланиши даврида, ер ва сувдан фойдаланиш масаласи большевикларнинг доим диққат марказида бўлиб келди. Аввалига хон ва унинг амалдорлари, йирик ер эгаларига тегишли ерлар тортиб олинди ва ерсиз, кам ерли дехқонларга бўлиб берилди. Мусулмон руҳонийларининг маҳаллий аҳолига чуқур таъсирини ҳисобга олган ҳолда вақф ерлари бирданига давлат мулкига айлантирилмади. Лекин вақф мулкидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш давлат ихтиёрига ўтди. Қишлоқ хўжалигини тиклашда суғоришнинг алоҳида ўрин тутишиши инобатга олиниб, суғориш тармоқларини кенгайтириш, янги ариқлар, каналлар қазиш, дарё ва канал бўйидаги ҳимоя дамбаларини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди. Камбағал дехқонларни ер-сув, иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, уруғлик дон билан таминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги банки ташкил этилиб кредитлар ажратилди. Аммо бу ишлардан кўзланган асосий мақсад дехқончиликда юқори ҳосилдорликка эришиш ва этиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россияга ташиб кетишдан иборат эди.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон тарихи. XI жилд. Хоразм тарихи. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2023. – Б. 451.
2. Ўзбекистон тарихи II жилд (XIX асрнинг II ярми – 1989 йил, июнь). Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент.: Янги аср авлоди. 2015. – Б. 305.
3. Матниёзов М. Хоразм тарихи. 2-жилд. – Урганч.:1997 й. – Б. 43.
4. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чораги). – Т.: "Abu matbuot-konsalt". 2007. – Б. 171.
5. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч.: Хоразм,1993. –Б. 6-8.

6. Матниёзов М. Хоразм тарихи. 2-жилд. – Урганч.:1997 й. – Б. 22.
7. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб 1917-1939 йиллар. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2019. –Б. 165.
8. Ражабов Қ. Ўзбекистон XX асрда. Биринчи жилд (1900-1939). – Тошкент.: Фан, 2024. – Б. 396.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент.: Шарқ, 2000. – Б. 223.
10. Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши тарихи (1917-1929 йиллар). – Тошкент.: Фан, 2009. – Б. 84.
11. Машарипов О. Хоразмнома. IV китоб. Хоразм Халқ Республикаси. – Урганч.: Хоразм, 2010. –Б. 54.
12. Машарипов О. Хоразмнома. IV китоб. Хоразм Халқ Республикаси. – Урганч.: Хоразм, 2010. –Б. 8-9.
13. 50 лет Хорезмской народной советской революции. Материалы объединенной научной сессии. г.Хива – г.Ургенч. 3-4 декабря 1970 г. - Т.: Фан, 1972. –Б. 192.
14. Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924).- Т.: "Akademnashr". 2011. – Б. 21-22.
15. История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва.: "Наука", 1971. – С.142.
16. Сатликов А. Из истории развития ирригации в Хорезме (1920-1941). Автореферат. – Ташкент.:1967. – С. 12.
17. 50 лет Хорезмской народной советской революции. Материалы объединенной научной сессии. г.Хива – г.Ургенч. 3-4 декабря 1970 г. - Т.: Фан, 1972. –Б. 194.
18. Матниёзов М. Хоразм тарихи. II жилд. – Урганч.: Хоразм, 1997 й. – Б. 46.
19. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб 1917-1939 йиллар. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2019. –Б. 168.
20. Ўз МА, 71-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 29-41 варақлар.
21. Ўз МА, 74-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 93-99 варақлар.
22. 50 лет Хорезмской народной советской революции. Материалы объединенной научной сессии. г.Хива – г.Ургенч. 3-4 декабря 1970 г. - Т.: Фан, 1972. –Б. 196.
23. Ўз МА, 73-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 18-20 варақлар.
24. Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент.: «Узбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2013. – Б. 260.
25. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент.: Шарқ, 2000. – Б. 224.
26. Сайдов Ш. Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташқи муносабатлари ва савдо алоқалари (1920-1924 й.). Монография.-Тошкент.:“Тошкент Давлат шарқшунослик институти”, 2007; - Б. 49

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**Nº 9 (4) – 2024**

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
маъсулити чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).